



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

Кучли давлатдан кучли жамият сари

Фракция ва партия гуруҳлари ҳамкорлиги

қонун ишлаб чиқишда партия электорати манфаатлари тўлақонли ҳисобга олинишига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини кафолатловчи зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва улар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши кўп партиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан кучайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда фаол иштирок этиши, ҳуқуқат тузилмалари, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларининг партия гуруҳлари олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратди.

⇒ 2

Нигора ЭШМЕТОВА,
ЎзХДП Юнусобод туман
кенгаши раиси,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгашидаги депутат-
лик гуруҳи аъзоси:



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН НАФАҚАТ ТУРЛИ ИЖТИМОЙИЙ МАСАЛАЛАРНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШ, БАЛКИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРИШ ҲАМ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

ПАРКЕНТДАГИ ГУЛБОҒ ШАҲАРЧАСИ

юртимиз қишлоқларида бунёд этилаётган замонавий уй-жойларнинг гўзал намунаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя этишнинг муҳим воситасидир

Паркент шаҳрига кираверишдаги катта йўлнинг ўнг томонида дала-яйлов бор эди. Бундан тўрт йил илгари кимдир шу жойда кўркам шаҳарча бунёд бўлади деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун айнан шу жойда замонавий лойиҳа асосида барча шарт-шароитларга эга юздан зиёд хонадон, мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, мусиқа ва санъат мактаби, касб-ҳунар коллежи, тиббиёт маскани, спорт иншооти, сервис хизмати кўрсатиш маскани, магазин, банк биноларини ўз ичига олган Гулбоғ шаҳарчаси барпо бўлди.

⇒ 2



ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Ҳар бир ўқув таъсирчан ва самарали ўтиши зарур

ЎзХДП тизимида ташкил этилаётган сиёсий ўқув машғулоти партия аъзоларининг билимларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, юртимиз ва жаҳонда бўлаётган воқеаларга муносабатини шакллантириш, электорат муаммоларини ўрганишда муҳим механизм вазифасини ўтамоқда.

2012-2013 ўқув йилининг иккинчи ярмида ташкил этилган сиёсий семинарларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсатшунос олимлар, ҳуқуқшунослар, тегишли соҳа мутахассислари фаол иштирок этди. Партия Марказий Кенгаши, вилоятлар,

туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотларида тизимли равишда 8300 дан ортқ ўқув ўтказилди. Уларда 260 минг нафарга яқин тингловчи қатнашди.

⇒ 2

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаолиятини янада ошириш, билимларини мустаҳкамлаш, партия дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарғиб этишда уларга амалий кўмак бериш мақсадида қанот етакчилари учун икки кунлик семинар-тренинг ўтказди. Унда қанот фаолиятини кучайтириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Семинар тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.



Санъат бўстонида янги ниҳоллар

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини рағбатлантириш, ёш ижрочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

⇒ 4

Ижтимоий ҳимоя

Давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик фаровонликка хизмат қилмоқда



Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш борасида белгиланган чоратadbирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда қайд этилдики, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг Давлат бюджетидagi улуши ўтган йили 59,0 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3 миллионга яқин пенсионер, 20 мингдан ортқ ижтимоий ёрдамга муҳтож, ўзгалар қарамоғида бўлган кишилар исти-

қомат қилмоқда, — дейди Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Шаропов. — Уларни манзилли ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш мақсадида туман ва шаҳарларда 193 та бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, 33 та Саховат ва мурувват уйи, 11 та ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш маркази, 8 та сийҳаттох ва ногиронлар учун 2 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



Нон ҳиди

⇒ 3

Онахоннинг сўзлари содда, самимий, суҳбатдошга меҳрини бериб гапирди. Анчадан кейин уни яна йўқлаб бордим. Ёнидагилар буғдой ўроғи бошланиб, ҳамма далага чиқиб кетганини, онахон уйда чевараларига қараётганини айтишди. Нон ҳиди таралиб турадиган онахоннинг яна келиб ўз ўрнида ўтиришини, фарзандларининг хирмонлари баланд бўлиб, иши ўнгидан келишини тиладим.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

